

## ТИББИЁТ СОҲАСИДА ЎЗБЕК ТИЛИ

**Наврузова Муяссар Ғайбуллаевна**Бухоро давлат университети  
Педагогик таълим факультети  
Бошланғич таълим методикаси  
кафедраси ўқитувчиси

Тил – миллатнинг энг биринчи белгиси. Унинг равнақи шу халқ равнақи билан чамбарчас боғлиқ. Тил, аввало, миллий мустақиллик шаҳодатномаси. Бош қомусимизда ҳам давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди. Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши эса тилимизнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтирди. Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида она тилимизнинг мавқеини янада ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилди. Фармонда давлат тилини ривожлантириш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, давлат тилини ривожлантириш бўйича дастур ва «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш, «Ўзбек тили байрами куни»ни нишонлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, илмий асосланган янги сўз ва атамаларни муомалага киритиш каби бир қанча вазифаларни амалга ошириш белгиланди. Бу ҳужжат юртимизда тилимиз ривожини, уни сақлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқди. Ва, гувоҳи бўлиб турганимиздек, мамлакатимизда ушбу ҳужжатда кўзда тутилган вазифаларни амалга татбиқ этиш борасида сезиларли ишлар олиб бориляпти. Маълумотларга кўра, дунёда 50 миллиондан зиёд аҳоли ўзбек тилида сўзлашади. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бири эканидан далолат.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб нишонланаётган “Ўзбек тили байрами” яна бир бор она тилимизнинг беқиёс аҳамиятини, тарихий кадр-

қимматини кўз олдимизда намоён этди. “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг аҳамияти, шунингдек, ўтган давр мобайнида она тилимизнинг нуфузини ошириш борасида бажарилган ишлар миллатимизнинг юраги, руҳи, том маънода жони ҳисобланган она тилимизни асрашдан иборат. Тил – миллат кўзгусидир. Тил – миллатнинг буюк бойлиги, бебаҳо хазинаси, туганмас мулкидир. Сўз мулкининг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларининг тили биз ўрганаётган шу тилнинг асоси ҳисобланади. Буюк адабиёти бўлган халқнинг буюк тили ҳам бўлади. Инсоннинг қандай маънавиятга эга эканини унинг тилида, чиройли нутқида намоён бўлади. Тил миллатнинг буюк бойлиги, бебаҳо хазинаси, туганмас мулкидир.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан бири ўзбек тилини дунё тиллари қаторидан жой олишини таъминлашдир. Ўтган давр мобайнида биз она тилимизнинг барча бўлимларини муайян даражада ўргандик, ўрганияпмиз. Энди тилни шунчаки алоқа воситаси сифатида эмас, уни миллат нуфузи сифатида кўтаришимиз керак.

Бугунги кунда хорижий давлатлардаги 65 та олий ўқув юртида ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда, ушбу соҳада илмий изланиш ва тадқиқотлар олиб бораётган чет эллик олимлар сафи тобора кенгаймоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг ўзбек тилининг нуфузини ошириш тўғрисидаги маърузасида шундай фикрлар айтиб ўтилган: “Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.”

Фанлараро интеграция, соҳалараро интеграция доимий равишда мутахассислар диққат марказида бўлиб келган. Бироқ бугунги кунда глобал коммуникациянинг кенгайиши, маданиятлараро муносабатларнинг жадаллик билан ўрнатилиб бориши, инсон ҳаётининг барча жабҳаларига технологияларнинг шиддат билан кириб бориши турли фанлар доирасида, жумладан, тилшунослик ва тиббиёт кесимида янгидан-янги йўналишларнинг пайдо бўлишига олиб келяпти. Психиатрик лингвистика, био, эко, физио,

антропологик лингвистика, артикулацион ва персептив фонетика, клиник лингвистика каби йўналишларнинг вужудга келгани фикримизнинг далилидир. Айниқса, “тиббиёт лингвистикаси” деб номланган йўналиш ҳар икки соҳа вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотиши табиий. Аниқ таърифларнинг ҳозирча мавжуд эмаслиги туфайли тиббиёт лингвистикаси деганда тиббиёт оламида қўлланилиши мумкин бўлган лингвистик тадқиқотлар, физик-физиологик ривожланишдаги нуқсонларнинг нутқда акс этиши масалалари билан шуғулланувчи соҳа, тилнинг прагматик вазифасининг бажарилишини тадқиқ қилувчи йўналиш кабилар тушунилади. Тилшунослик ва тиббиёт интеграцияси қуйидаги масалаларни қамраб олади:

- тиббиётга оид терминологик тизимни тадқиқ қилиш
- тиббиёт атамаларини халқ шеваларидаги сўзлар, синонимлар, ибора ва эвфемизмлар билан бойитиш;
- бир неча тилли босма ва электрон шаклдаги терминологик луғатларни яратиш, уларни такомиллаштириш;
- инглиз, рус ва бошқа тиллардаги тиббиётга оид матнларни таржима қилиш, тиббий терминологияни қиёсий тадқиқ қилиш;
- тиббиёт йўналишидаги ОТМларда ўзбек тилини соҳага йўналтириб ўқитиш; - тиббиёт соҳасидаги касбий мулоқотнинг ўзига хослиги, лисоний (вербал) алоқа жараёни, замонавий шифокорнинг коммуникатив ва социолингвистик компетентлигини тадқиқ этиш бўйича илмий-амалий лойиҳалар доирасида фаолият юритиш;
- халқаро ҳамкорлик доирасида ташриф буюрадиган хорижий мутахассислар ҳамда хорижда малака оширадиган ўзбекистонлик тиббиёт ходимлари учун махсус тил курсларини ташкил қилиш ва ҳоказо.

Кўриниб турганидек, тилшунослик ва тиббиёт соҳаларининг вакиллари ҳамкорликда бажаришлари мумкин бўлган ишларнинг кўлами кенг ва глобаллашув шароитида у янада кенгайиб боради.

Бугун Бухоро замини тилшунос олимлари томонидан ўзбек тили ривожини йўлида самарали изланишлар олиб борилмоқда. Бухоро тилшунослик

мактабларининг янги қирралари, амалий-фундаментал лойиҳалари тадқиқ қилинмоқда. Жумладан бухоролик тилшунос олима М.К.Абузалова раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган “Олима аёллар гранти”да "Тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш" мавзусидаги амалий лойиҳа билан иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритганлигини эътироф этишимиз мумкин. ва айти дамда 2021-2023 йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-2 рақамли мазкур лойиҳа устида фаолият олиб борилмоқда. "Тиббиётга оид атамалар электрон платформасини яратиш" мавзусидаги амалий лойиҳа айнан айрим тиббий терминларнинг атамалар орқали ёритилиши, аниқ ва ихчам терминлар билан бир қаторда уларнинг сермазмун изоҳларининг берилиши, айтилиши ноўрин бўлган тиббий терминларнинг ноёб тиббий атамалар билан тўлдирилишига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

. Тиббиёт лингвистикаси мактаби фаолияти илмий изланишлари билан тилимиз равнақига ҳисса қўшмоқда. Ўзбек тили тиббиёт соҳаси доирасида интеграция қилинмоқда Тиббиёт соҳасида қўлланилувчи янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги ишларни тартибга солиш ҳозирги кунда ушбу тилшунослик мактабининг муҳим вазифаларидан бирига айланди.

Тиббиётга оид атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратишда тилнинг тасвирий воситаларидан ўринли фойдаланиш зарур, айти пайтда, бу давлатимизнинг тил сиёсати билан боғлиқ мақсад ва вазифаларга мувофиқ. Нутқ маданияти оғзаки ва ёзма адабий тил меъёрларини эгаллаш, турли коммуникатив шароитларда тилнинг тасвирий воситаларидан нутқнинг мақсад ва мазмунига мос равишда фойдаланиш маҳорати демакдир. Тилнинг тасвирий воситалари фақатгина бадий адабиётда эмас, балки тиббиётга оид матнларда ҳам қўлланилади. Зеро, тасвирий ифода ва метафоралардан фойдаланиш бундай матнларнинг таъсирчанлигини, ифодалилигини оширишга хизмат қилади.

Жамиятимиздаги ҳар бир шахс, ҳар қандай мутахассис, бугунги кун билан ҳамнафас ҳар қандай кадр ўз она тилини мукамал эгаллаши, фикрини мустақил, равон, лўнда ва гўзал ифода эта олмоғи лозим. Айниқса, шифокорларнинг нутқ

маданиятини ривожлантириш ва нутқий мулоқот маҳоратини ошириш замонавий тилшуносликда тиббий лингвистиканинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Юнон ҳақими Буқрот айтганидек, “Инсон руҳини даволамай, танга шифо бериб бўлмайди”. Бу фикр нафақат ўтмишда, балки ҳозирги кунда ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Лекин она тили ҳар қандай шароитда ҳам инсон учун руҳий таянч бўлиб қолади. Айниқса, миллий ўзликни англаш, «Ким едим-у, ким бўлдим?» деган саволга жавоб топиш, хотира туйғуси билан яшашда она тилининг аҳамияти беқиёс. Айнан она тили туфайли инсон ўз аجدодлари билан доимо руҳий мулоқот қилиб яшайди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жумаев И. Тиббий одоб ва маданият – шифокор ва беморга мадад. (Электрон ресурс): <https://buxvssb.uz/tibbiy-odob-va-madaniyat-shifokor-va-bemorga-madad/>
2. Культура общения врача и студента. (Электрон ресурс): <https://studfiles.net/preview/548345/>
3. Малыгина Е.Н. Средства смягчения высказывания в медицинской речи: Автореф. .... дис. канд. филол. наук. Самара, 2007. – (Диссертациянинг электрон адреси): <http://www.dissercat.com/content/sredstva-smyagcheniya-vyskazyvaniya-v-meditsinskoi-rechi#ixzz5N1TQbI1z>
4. Миразизов А. Ўзбек нутқий этикетига доир айрим кузатишлар // Тошкент давлат педагогика университети илмий ахборотлари, 2016.– № 4 (9). – Б.61-64.
5. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси (чорвадорлар нутқи мисолида): Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 2009. – 253 б.
6. Тиббиёт қомусий луғати. –Тошкент: “Қомуслар бош таҳририяти”, 1994. – 288 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 671 б.

8. Қосимов А. Тиббий терминлар изоҳли луғати. Икки жилдлик. 2-жилд. (Таҳрир хайъати: Ф.Назаров, Ш.Шоабдурахмонов, А.Ҳожиев ва б.) – Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. – 568 б.

9. [https://www.ereading.club/chapter.php/1025286/9/Hramova\\_Polnyy\\_spravochnik\\_po\\_uhodu\\_za\\_bolnymi.html](https://www.ereading.club/chapter.php/1025286/9/Hramova_Polnyy_spravochnik_po_uhodu_za_bolnymi.html)